

Туркияда меҳмон бўлиб турган уламоларимизга ифторлик дастурхони ёзилди



22:00 / 15.04.2023 2154

Аввал хабар берганимиздек, юртимизнинг бир гуруҳ уламолари Туркиянинг Истанбул шаҳрига ташриф буюришган эди.

Кеча, 14 апрель куни Туркияга ташриф буюрган юртимиз делегациянинг барча аъзоларига, шу билан бирга уламоларимизга ифторлик дастурхони ёзилди. Ифторлик асносида юртимизда олиб борилаётган турли соҳалардаги ислохотлар, икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар юқори босқичга чиқаётгани эътироф этилди. Тадбир якунида уламоларимиз томонидан хайрли дуолар қилинди.

Уламоларимизнинг Туркияга ташрифлари давом этади.

